36
Р-99
36:6П2.15.6
И

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*
*УДК:330.46(575.1):004.9*

**РЎЗИЕВ АБДУМАЛИК ОРТИҒАЛИЕВИЧ**

# СУҒУРТА ФАОЛИЯТИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.14 - Иқтисодиётда ахборотлар тизими ва технологиялари

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун
тақдим этилган диссертация

## АВТОРЕФЕРАТИ

**Тошкент-2012**

3б
Р-99
3б:6П215.6

**Диссертация иши Тошкент молия институтида бажарилган**

**Илмий раҳбар:** иқтисод фанлари доктори
**Кенжабаев Амои Тургунович**

**Расмий оппонентлар:** иқтисод фанлари доктори, профессор
**Шодиев Турсун**

иқтисод фанлари номзоди
**Далиев Ахтам Шарофутдинович**

**Етакчи ташкилот:** **«TEMIR YO'L–SUG'URTA» суғурта компанияси**

Ҳимоя Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.067.06.01 рақамли ихтисослашган кенгашнинг 2011 йил «1» март соат «9⁰⁰»да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети кутубхонасида танишиш мумкин

Автореферат 2012 йил «1» февральда тарқатилди.

**Ихтисослашган кенгаш**
**илмий котиби иқтисод**
**фанлари доктори, профессор** **Б. Беркинов**

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизация қилиш шароитида молиявий жараёнларни самарали бошқариш, кўп жиҳатдан, мазкур тизимда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш даражасига боғлиқ. Ахборот технологиялари ва тизимларини иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларига жорий этиш, хусусан, суғурта фаолиятини бошқаришда кенг кўламда қўллаш ушбу соҳада суғурта муносабатларини шакллантиришга, самарали йўналишларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Президент Ислом Каримовнинг «Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли асарида таъкидланганидек: «Бугунги кунда ҳаётимизни компьютер техникаси, ахборот технологиялари, Интернет, мобиль телефон алоқасисиз тасаввур қилиб бўлмайди»[1].

Суғурталаш тизимининг кўп йиллик жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ушбу фаолият, иқтисодиёт ривожланишига бевосита ижобий таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан биридир. Айнан суғурта ахборотлари тизимини жорий этиш ва ундаги жараёнларни самарали ахборотлаштиришни йўлга қўйиш иқтисодиётга жалб этилаётган инвестициялар ҳажмини кўпайтириш ва иқтисодиётни оқилона таркибий ўзгартириш учун молиявий маблағларни мақсадли йўналтириш имконини беради ва бу, ўз навбатида, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги ва шу соҳага оид кейинги қабул қилинган қонунлар тамойилларини суғурта амалиётига жорий этиш, миллий суғурта бозорида рақобат муҳитини ривожлантиришнинг асосий дастакларидан бири ҳисобланади. Суғурта соҳасида ахборот тизимлари ва технологиялари ёрдамида республиканинг бу соҳада ягона ахборот маконини яратиш ва Ўзбекистонда суғурта ахборот ресурсларига талаб ҳамда таклифни шакллантиришда, шунингдек, суғурта бозорининг рақобат муҳитини яратишда ахборот-коммуникация технологияларидан (АКТ) фойдаланиш муҳим вазифалар қаторига киради.

Ҳозирги кунда суғурта фаолиятининг функционал масалаларини АКТ асосида тартибга солиш ва уларни ечиш, ушбу фаолиятнинг ахборот тизимларини шакллантиришда суғурта маълумотлари банки ва базаларини қуриш тартибини АКТ ёрдамида ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг самарадорлигини баҳолаш усулларини такомиллаштириш масалалари муҳим аҳамият касб этади.

Бу эса, кўриб чиқилаётган суғурта ахборотлари тизимида ахборотларни фаоллаштириш ва улар ёрдамида суғурта фаолияти истиқболини белгилашда АКТдан фойдаланишнинг назарий ҳамда амалий муаммоларини ҳал этишни тақозо қилади. АКТни суғурта фаолиятида

---

[1] Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. –Б. 46.

қўллашнинг айнан мазкур жиҳатлари тадқиқот мавзусини танлаш учун асос бўлиб хизмат қилди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Иқтисодиёт тармоқларида ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимларини қўллаш муаммолари бўйича кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Ахборот-коммуникация технологияларини иқтисодиётнинг турли тармоқларига жорий қилишнинг илмий-амалий масалалари хорижлик иқтисодчи олимлар В.Р. Банк, В.С. Зверев, Г.Н. Исаев, В.П. Лузин, А.В. Ламзин, Ю.В. Минин, Г.А. Титоренко, Ю.Н. Черньшов, Е.Н. Шуремовлар[2] илмий ишларида ўрганилган. В.М. Базанов, А.В. Быстров, Н.Г. Дубова, Д.В. Турчановский, А.А. Цыгановлар[3] эса, ўз тадқиқотларида бевосита суғурта соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини яратишнинг назарий ҳамда амалий асосларини ёритиб берганлар.

Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларини иқтисодиёт тармоқларига жорий этиш ҳамда суғурта фаолиятини бошқариш муаммолари устида мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Р.Х. Алимов, Қ.А. Алимов, А.Н. Арипов, Б.А. Бегалов, А.Б. Бекмуродов, Т.К. Иминов, А.Т. Кенжабаев, С.А. Умаров, Б.Ю. Ходиев, С.С. Ғуломов, А.А. Мусалиев[4]лар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Мазкур тадқиқотларда ахборот-коммуникация технологиялари муаммоларининг алоҳида олинган йўналишлари, айниқса, андозалаштирилган масалаларни ахборотлаштириш

---

[2] Банк В.Р., Зверев В.С. Информационные системы в экономике: учебник. – М.: Экономист, 2005. – 380 с.;. Володькин А.С. Интернет как сфера предпринимательства. Автореферат дисс. ... канд. экон. наук. – М.: МГУ, 2004. – 26 с.; Исаев Г.Н. Информационные системы в экономике. – М.: Изд-во ОМЕГА-Л, 2009. – 462 с.; Лузин В.П. Информационно-технические основы создания системы управления крупными рисками в страховой компании. – М.: БУКВИЦА, 2000. – 146 с.; Ламзин А.В. Совершенствование системы управления процессом информатизации экономики региона. Автореферат дисс. ... канд. экон. наук. – Тамбов: ТГУ, 2008. – 23 с.; Минин Ю.В. Информационная система поддержки принятия решений, оптимизирующих коммерческую деятельность банка. Автореферат дисс. ... канд. техн. наук. – Тамбов: ТГТУ, 2005. – 16 с.; Титоренко Г.А. "Информационные технологии управления". – 2-е изд. дополн. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. – 456 с.; Черньшов Ю.Н. Информационные технологии в экономике / Уч. пособие для вузов. – М.: Изд-во Выс-я школа г. Москва, 2008. – 240 с.; Шуремов Е.Н. Информационные технологии управления взаимоотношениями с клиентами. – М.: 1С- Паблишинг, 2005. – 98 с.

[3] Базанов В.М. Выбор стратегии автоматизации страховой деятельности // Страховое дело. № 5. 2004. – С. 43-47; Быстров А.В., Цыганов А.А. Основы организации страхования в Интернете. – М.: Издательство: Анкил, 2005. - 168 с.; Дубова Н.Г. Информатизация страхового бизнеса // Открытие системы. № 11. 2003. – С. 45-52; Турчановский Д.В. Организационно-технологические нововведения в функционировании пенсионного фонда Российской Федерации на основе компьютеризации. Автореферат дис. ... канд. экон. наук. – М.: Гос. ун-т упр., 2008. – 22 с.

[4] Алимов Р.Х., Ходиев Б.Ю., Алимов Қ.А. ва бошқалар. Миллий иқтисодда ахборот тизимлари ва технологиялари. Ўқув қўлланма / С.С. Ғуломовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: «Шарқ», 2004. – 320 б.; Арипов А.Н., Иминов Т.К. Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси менежменти масалалари. Монография. – Т.: Fan va texnologiya, 2005. – 300 б.; Ғуломов С.С., Алимов Р.Х., Лутфуллаев Х.С. ва бошқ. Ахборот тизимлари ва технологиялари. / С.С. Ғуломов таҳрири остида. – Т.: «Шарқ», 2000. – 592 б.; Бегалов Б.А., Мусалиев А.А. Информационно-коммуникационные технологии в национальной экономике. – Т.: Фан, 2008. – 146 с.; Бегалов Б.А. Ахборот-коммуникациялар бозорининг шаклланиш ва ривожланиш тенденцияларини эконометрик моделлаштириш: дис. Автореф. ... иқт.фан док. – Т.: ТДИУ, 2001. – 36 б.; Бекмуродов А.Б., Мусалиев А.А. Информационный бизнес: учебное пособие. – Т.: ТГЭУ, 2006. – 288 с.; Кенжабаев А.Т. Тадбиркорлик фаолиятида ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш муаммолари. иқт.фан док. Дис... – Т.: ТДИУ, 2005. – 321 б.; Кенжабаев А.Т. Ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш муаммолари. Монография. – Т.: Ибн-Сино, 2004. – 244 б.; Умаров С.А. Ўзбекистонда суғурта фаолияти ривожланишини бошқариш. Монография. – Т.: Фан, 2009. – 227 б.

жараёнларига асосий эътибор қаратилган. Жумладан, С.А. Умаров томонидан республика иқтисодиётини модернизация қилиш шароитида микро ва мезо даражаларда суғурта фаолиятининг бошқарув тизимини такомиллаштириш, мижозлар учун манфаатли фаолият юритишда суғурта компаниясининг АКТга асосланган менежмент тизими умумий муаммолари тадқиқ этилган. А.Н. Арипов ва Т.К. Иминовлар муаллифлигида ёзилган монографияда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида замонавий бошқарув тизимини шакллантиришнинг назарий асослари, соҳа бошқарув тизимининг ривожланиш қонуниятлари, тенденциялари ва республикага хос хусусиятлари ўрганилган.

Аммо, ушбу тадқиқотларда суғурта фаолиятига АКТни қўллашнинг услубияти ва унинг самарадорлигини баҳолаш омиллари асосланмаган. Шу билан бирга, суғурталаш жараенларини ахборот-коммуникация технологиялари асосида ташкил этиш, бевосита ушбу фаолиятдаги суғурта кўрсаткичлари тизимини таҳлил қилиш ҳамда суғурта ахборотлари тизими бўйича бошқарув қарорларини ишлаб чиқишда самарали ва оқилона фойдаланиш масалалари етарлича тўлиқ ўрганилмаган. Ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичида суғурта фаолиятини комплекс таҳлил этиш, уни бошқаришни автоматлаштириш ҳамда рақобат муҳитида истиқболини белгилашда АКТ воситаларидан фойдаланишнинг илмий-услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш муҳим тадқиқот вазифалари қаторига киради. Шулардан келиб чиқиб, ушбу диссертация ишининг мақсади ва вазифалари белгиланди.

**Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент молия институтининг «Молиявий-иқтисодий соҳаларда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқот мақсади:** суғурта фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш усулларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари.** Диссертацияда қўйилган мақсадни амалга ошириш учун қуйидагилар тадқиқот вазифалари этиб белгиланди:

– суғурта фаолиятида ахборотларни қайд этиш, тўплаш, узатиш, қайта ишлаш жараёнлари билан боғлиқ ахборот тизимини тадқиқ этиш;

– суғурта компанияси фаолиятини ташкил этиш ва бошқарув фаолиятини ахборот-коммуникация технологиялари асосида такомиллаштириш;

– суғурта компанияси корпоратив тизимида ахборот таъминоти тамойилларини ишлаб чиқиш;

– суғурта компанияси фаолиятини бошқаришнинг ахборот-функционал ва мосланувчан тизимини ишлаб чиқиш;

– суғурта бизнесида интернет-суғурта тизимини жорий этиш ва тараққий эттиришга оид тавсиялар ишлаб чиқиш;

– суғурта компанияси фаолиятида ахборот-коммуникация технология-ларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга йўналтирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** Суғурта компанияларининг ахборот-коммуникация технологияларига асосланган фаолияти ва уларни бошқариш тизими тадқиқот объекти, суғурта фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий жараёнлар ва уларнинг ахборот тизимлари тадқиқот предмети ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари**. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, статистик гуруҳлаш, йўналтирилган саралаш, иқтисодий-математик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқот гипотезаси.** Республикамизда фаолият кўрсатаётган суғурта компанияларида ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимларини жорий этиш суғурта бизнеси ривожланишига ва рақобатбардошлигига хизмат қилади. Ўз навбатида, суғурталаш жараёнлари иштирокчиларининг иқтисодий манфаатлари тўла қондирилиши учун ягона ахборот макони шакллантирилади.

**Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

– суғурта компанияси асосий функционал вазифалари бажарилишини ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида такомиллаштириш услуби;

– суғурта компанияси фаолиятининг ахборот таъминоти ёритилишига қаратилган ахборот-функционал ва мосланувчан тизимли ёндашув тамойиллари;

– суғурта бизнесини бошқаришда суғурталаш фаолиятини ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида назорат қилиш усуллари;

– суғурта компаниясида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш услубияти.

**Тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги:**

– суғурта компаниялари фаолиятида ахборот тизимлари ва технологияларини қўллашнинг илмий-услубий асослари умумлаштирилган;

– суғурта компанияларидаги асосий функционал вазифаларни бажаришда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш йўллари аниқланган;

– суғурта компаниясининг корпоратив ахборот тизимини ишлаб чиқиш тамойиллари ҳамда суғурта шартларини ахборотлаштириш фондининг функционал таркиби асосланган;

– суғурта компанияси фаолиятини самарали бошқаришда ахборот-функционал ва мосланувчан тизимини жорий этишнинг шартлари, ташкилий-иқтисодий асослари кўрсатиб берилган;

– суғурта субъектлари муносабатларида интернет-суғуртанинг хусусиятлари, афзаллиги ва ундан фойдаланиш истиқболлари асосланган;

– суғурта компанияси фаолиятида ахборот-коммуникация технология-ларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш усуллари таклиф этилган ва уларни қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертацияда суғурта компаниясида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш ва ривожлантириш бўйича ишлаб

чиқилган усуллар ва ахборот моделлари суғурта компанияси ахборот тизимини ташкил қилиш, республикада ягона ахборот маконини яратиш ҳамда ривожлантириш, самарадорлигини ошириш, шунингдек, суғурта рискларини бошқариш, суғурта компанияларида автоматлаштирилган ахборот тизимлари истиқболли йўналишларини белгилаш бўйича қарорлар қабул қилишда асос бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, диссертациянинг илмий-амалий натижаларидан давлат таълим стандартларига мувофиқ «Суғурта иши» йўналишларининг бакалавриат ва магистратура мутахассисликларида «Ахборот технологиялари» фанини ўқитишда услубий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар «Kapital Sug'urta» ОАЖ компанияси томонидан амалиётга жорий қилиш учун қабул қилинган (2011 йил 4 апрелда тузилган далолатнома). Диссертация материалларидан Тошкент молия институти ўқув фаолиятида «Иқтисодиётда ахборот технологиялари», «Информатика ва ахборот технологиялари», «Суғурта иши», «Суғурта маркетинги», «Суғурта бозори» ва «Суғурта экспертизаси фаолияти» фанларини ўқитиш жараёнида фойдаланилмоқда (10.03.2009 йилдаги 33-1/473– сонли маълумотнома).

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Диссертациянинг асосий натижалари ва хулосалари «Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқ тизими ва суғурта фаолиятини такомиллаштириш йўллари» (ТМИ, 2004), «Социально-экономические проблемы переходной экономики» (Санкт-Петербург, СПб. ГУ, 2005), «Роль и значение телекоммуникаций и информационных технологий в современном обществе» (ТУИТ, 2005), «Социально-экономические закономерности развития мирохозяйственных связей в условиях усиления интеграционных процессов» (Москва, МГЭИ, 2006), «Инвестицион ва инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш, самарадорлигини баҳолаш ва уларни амалга ошириш» (ТМИ, 2006), «Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишида молиянинг роли» (ТМИ, 2009), «Реализации антикризисной программы – основа дальнейшего развития национальной экономики и повышения его конкурентоспособности» (Москва, МГЭИ, 2010) мавзуларида бўлиб ўтган халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва ижобий баҳоланган.

Шунингдек, диссертация иши Тошкент молия институтининг «Информацион технологиялар», Тошкент давлат техника университетининг «Менежмент» кафедралари мажлисида ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги Д.067.06.01 рақамли ихтисослашган кенгаш қошидаги 08.00.14– «Иқтисодиётда ахборотлар тизими ва технологиялари» ихтисослиги бўйича илмий семинарларда муҳокамадан ўтган ва ҳимояга тавсия этилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот натижалари бўйича уч босма табоқ ҳажмида 17 та илмий иш чоп этилган, улардан тўрттаси илмий журналлардаги мақола ва 13 таси маъруза тезислари.

**Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши учта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 203 бет бўлиб, бешта жадвал, 15 та расмни ва иловаларни ўз ичига олган.

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги, мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети танланган.

Диссертациянинг ***«Суғурта фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати ва уни такомиллаштириш йўллари»***, деб номланган биринчи бобида суғурта фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва унинг аҳамияти, суғурта бозорининг ҳозирги ҳолати, суғурта соҳасида бажарилган республика ва хорижий давлатлар олимларининг илмий ишлари таҳлил қилинган, автоматлаштирилган ахборот тизимининг функционал асослари ўрганилиб, бу тизимни модуллар асосида қуриш, суғурта субъектлари ўртасидаги ахборот алмашинуви, суғурта фаолиятига жорий қилинган хорижий ишлаб чиқувчиларнинг ахборот тизимлари таҳлил қилинган, ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш шароитида суғурта фаолиятини бошқаришнинг функционал масалаларини ечиш йўллари асосланган.

Диссертациянинг иккинчи боби ***«Суғурта фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш амалиёти»*** деб номланиб, суғурта компанияси фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган корпоратив ахборот тизимини барпо этиш тамойиллари ишлаб чиқилган, рискларни суғурталаш жараёнини такомиллаштириш ва ривожлантиришга асос бўлувчи мажмуавий ахборот таъминотини яратиш амалий тажрибалари ўрганилган ва суғурта фаолиятини самарали бошқаришни таъминлашга қаратилган ахборот-функционал ва мосланувчан тизим ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг ***«Суғурта фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ва унинг самарадорлиги»***, деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон суғурта бозорида интернет-суғуртани ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланишнинг ташкилий масалалари кўриб чиқилган, суғурта муносабатларида суғурта субъектлари иқтисодий манфаатдорликларини таъминлашда ахборот фондларини фаоллаштириш механизмлари асосида суғурта шартларининг таъсир даражасининг ўзгариш соҳаси ҳисоб-китоб қилинган, суғурта компаниясининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш йўллари ва уларни амалий жиҳатдан қўллаш усуллари асосланган ҳамда реал объект мисолида АКТни жорий этиш самарадорлиги аниқланган.

Диссертациянинг ***хулоса*** қисмида тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда хулоса ва таклифлар берилган.

# ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ўзбекистоннинг ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтиши ва жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида иқтисодиётни модернизациялашда хўжалик субъектлари ва барча иқтисодий жабҳаларнинг хавфсиз фаолият юритишларини таъминловчи омил сифатида миллий суғурта бозорини ривожлантириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти[5] ва ҳукуматининг суғурта хизматлари бозорини чуқурлаштириш, ривожлантириш ва ислоҳ қилишга оид чора-тадбирлар юзасидан қабул қилган қарорлари натижасида 2006 йилда мамлакат суғурта бозорида 25 та суғурта компанияси хизмат кўрсатган бўлса, 2010 йилга келиб 33 та компания, жумладан, иккитаси ҳаётни суғурталаш, 30 таси умумий суғурта, биттаси қайта суғурталаш фаолияти билан шуғулланган. Шунингдек, суғурта бозорида учта суғурта брокери, иккита актуарийлар ташкилоти фаолият олиб бормоқда. Ҳаёт суғуртаси тармоғида тўрт класс бўйича, умумий суғурта тармоғида 17 класс бўйича 150 дан ортиқ хизмат турлари таклиф қилинган.

Муқобил равишда суғурта мукофотларининг умумий йиғиндиси ўсиб бориши билан бирга, унинг ЯИМдаги улуши, шунингдек, суғурта тўловларининг ҳажми ҳам ортиб бормоқда. 2009 йилдан бошлаб суғурта бозорида актуар ташкилотлар фаолияти ташкил этилди (1– жадвал).

**1- жадвал.**

**Ўзбекистон Республикасида суғурта бозори ривожланиши асосий кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси**

| Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | 2006 | 2007 | 2008 | 2009 | 2010 |
| Суғурта компаниялари сони, жами | 25 | 26 | 31 | 32 | 33 |
| шу жумладан: | | | | | |
| – умумий суғурта компаниялари | 23 | 24 | 29 | 30 | 30 |
| – ҳаётни суғурталовчи компаниялар | 1 | 1 | 1 | 2 | 2 |
| – қайта суғурталовчи компаниялар | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| Ихтисослаштирилган брокерлар | 2 | 2 | 3 | 3 | 3 |
| Актуар ташкилотлар | – | – | – | 1 | 2 |
| Суғурта мукофотлари, % | 129,7 | 148,1 | 119,7 | 165,8 | 117,3 |
| Суғурта мукофотларининг ЯИМдаги улуши, % | 0,24 | 0,29 | 0,26 | 0,32 | 0,31 |
| Суғурта тўловлари, % | 143,8 | 126,1 | 178,2 | 133,5 | 130,4 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта назорати давлат инспекцияси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

[5] Суғурта бозори ислоҳотларини чуқурлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори. 2007 йил 10 апрель, ПҚ-618-сон; Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори. 2008 йил 21 май, ПҚ-872-сон.

Ўзбекистонда суғурта бозорида йиғилган суғурта мукофотларининг ялпи ҳажми 2010 йилда 171,4 млрд. сўмни ташкил қилган, бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 17,3 фоизга кўпдир[6]. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, суғурта мукофотлари ҳажмидаги энг катта ўсиш 2007 йилда 48,1 фоизга ва 2009 йилда 65,8 фоиз оширилишига эришилган.

Диссертацияда таъкидланганидек, жаҳон амалиётида суғурта бозорининг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамиятини аниқлаш кўрсаткичлари ишлаб чиқилган бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитида ушбу бозорнинг ривожланганлик даражаси суғурта мукофотлари ҳажмининг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)даги улуши билан ифодаланади. Бугунги кунда, бир томондан, Ўзбекистонда суғурта фаолияти кенг кўламли имкониятларни ўзида мужассам этган бўлса, иккинчи томондан, юридик ва жисмоний шахсларнинг суғуртага бўлган талаби ҳам ортиб бормоқда. Аммо, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, республикада сифатли суғурта хизматини кўрсатишга бўлган талаб ўта суст даражада қондирилмоқда. Бунинг далили сифатида 2006-2010 йиллар давомида Ўзбекистонда суғурта хизматлари учун ундирилган мукофотлар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан салмоғи ҳамон паст даражада эканлиги илмий ишда қайд этилган. 2010 йил якунларига кўра, республикада суғурта мукофотларининг ЯИМга нисбати 0,31 фоизгача бўлиб, 2007 йилда дунё суғурта бозоридаги суғурта мукофотларининг ЯИМдаги улуши АҚШда – 8,8 фоиз, Колумбияда – 2,4 фоиз, Иорданияда – 2,4 фоиз, Эстония ва Кенияда – 2,5 фоиз, ривожланган Европа давлатлари: Австрияда – 6,1 фоиз, Германияда – 6,7 фоиз, Италияда – 9,4 фоиз, Францияда – 11 фоиз, Швецияда – 11 фоиз бўлса, Японияда – 10,5 фоиз ва Ҳиндистонда – 4,8 фоиз, Россияда – 2,4 фоизни ташкил қилган[7].

Юқорида келтирилган статистик маълумотлардан кўриниб турибдики, суғурта бозорининг иқтисодий моҳиятига кўра, яъни, уларнинг кўрсаткич ва нисбатлари уйғунлаштирилиши лозим. Бундай имкониятни рўебга чиқариш ва амалга ошириш ахборот тизимларига асосланган суғурта фаолиятини ташкил этиш технологияси ёрдамида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида суғурта фаолиятининг иқтисодиётдаги ўрни янада муҳим аҳамият касб этиб боради. Буни рўёбга чиқариш учун суғурта фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг кўламда жорий этишнинг илмий-амалий усулларини татбиқ этиш зарур.

Ҳар қандай хўжалик субъекти каби суғурта ташкилоти ҳам ўз олдига юқори даромад олишни бош мақсад қилиб қўяди. Бироқ, суғурта ташкилоти томонидан кўрсатиладиган хизматлар хусусиятлари бу соҳани бошқаришга алоҳида эътибор беришни талаб қилади. Бу хусусиятлар биринчи навбатда, суғурта ташкилоти функцияларининг ахборот тизимлари мураккаблиги

---

[6] Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Суғурта назорати давлат инспекцияси маълумотлари.

[7] Sigma №3 2008. – С. 48.; Россия Федерацияси суғурта назорати Федерал хизмати ва давлат статистикаси Федерал хизмати маълумотлари.

билан ифодаланади ва улар ахборот-коммуникация технологияларини такомиллаштириш асосида рўёбга чиқарилиши зарур

Суғурта бозорининг истиқболдаги ривожланиши ва ижобий динамикаси кўп жиҳатдан суғурта бизнесини юритишда АКТдан фойдаланишни такомиллаштиришга боғлиқ бўлади. Масаланинг бундай қўйилиши, яъни, суғурта бизнесини бошқаришда АКТдан фойдаланишни такомиллаштириш зарурлиги, иқтисодиётнинг асосий услубиёт тамойиллари ва амалий йўналишлари ахборот тизимларига боғлиқлигини кўзда тутади. Шунинг учун, суғурта бизнесида ахборот маҳсулотлари тушунчаси ва хусусиятлари мазкур соҳани ахборотлаштиришда муҳим омил ҳисобланади. Суғурта компанияси фаолиятида асосий жараён ва функцияларни автоматлаштириш нафақат ходимнинг меҳнат унумдорлигини ошириши, балки, малакали мутахассисларнинг асосий вазифалари билан кўпроқ шуғулланишига, бизнеснинг кейинги ривожланиши йўлида маркетинг воситаларини ҳар томонлама жорий қилиб бориш учун зарурий шарт-шароитларни яратади.

Суғурта ташкилотларида турли даражали мураккабликдаги маркетинг масалаларини ечиш учун АКТ нинг ахборот воситалари ва дастурий таъминотлари талаб қилинади. Республикамиз суғурта компанияларида бошқаларга қараганда суғуртанинг ахборот-технология базасидан фойдаланиш жиддий тарзда орқада қолмоқда. Жумладан, бу кўрсаткич таҳлил ва бизнес-жараёнларни башорат қилишда асосий восита сифатида MS Excel иловаларидан фойдаланиш амалиёти кенг тарқалган ҳудудларда янада сезиларлидир. Суғурта экспертларининг фикрига қўшилган ҳолда, ҳозирги иқтисодий ривожланиш шароитида бундай мавжуд дастурий воситалар суғурта компаниясининг суғурта масалаларини ҳал қилишнинг барча жабҳаларини тўлиқ қамраб олмайди. Шу сабабли, суғурта компаниялари учун замонавий АКТ бозорида барча ишлаб чиқариш, технологик ва ёрдамчи жараёнларни етарли даражада тўла автоматлаштиришга имкон берувчи илова ва модуллар тўпламидан иборат универсал ахборот тизимларига талаб ортиб бормоқда.

Малакавий ва муқобил тузилишга эга бўлган ахборот тизими суғурта компаниясининг рақобат устунлигини оширган ҳолда дастурлаштириш ва жорий қилиш босқичларидан иборат. Бундай тизимлар компания фаолияти ҳисоботларини олиш, ахборотлар тўплашни автоматлаштириш, маълумотларни рўйхатга олиш ва ишлов беришни марказлашган ҳолда юритиш, ахборот айирбошлаш, фаолиятни тезкор таҳлил қилиш ва келгусида бизнес тактикасини аниқлаш компания фаолиятини режалаштириш ва башорат қилишга имкон беради.

Республикамизда йирик суғурта компаниялари билан ишлашнинг турли босқичларида тезкор хизмат кўрсатишни талаб қилувчи кўплаб мижозларнинг мавжудлиги муҳим аҳамиятга молик бўлса, иккинчи томондан, кўплаб суғурта компанияларида мижозлар базасини ривожлантиришни бошқарувчи тузилмавий бўлинмалар мавжуд эмас.

Мижозлар тўғрисидаги ахборотлар тарқоқ ҳолда сақланиши натижасида у билан шуғулланувчи бўлимлар одатда мижозлар тўғрисидаги маълумотларга эга эмас ва аксинча, мазкур бўлимлардан бошқа бўлимларга ишлов бериш ва қарор қабул қилиш учун ахборотлар тўлиқ бўлмаган ҳолда оғзаки ёки ёзма ҳолда келиб тушади. Оқибатда, кўп ҳолларда уларнинг ушланиб қолиши ва ишончсиз бўлган ахборотларнинг келиб тушиши, мижозларнинг қаноатланмасликлари ва шу билан бирга, уларга хизмат кўрсатиш сифатининг тушиб кетишига олиб келади.

Мулк суғуртаси амалга оширилган суғурта қилдирувчи (манфаат олувчи) суғурталанган мулкни сақлашда қонун, бошқа бирор ҳуқуқий далолатнома ёки шартномага асосланган мулкий манфаатга эга бўлиши зарур. Суғурта фаолияти аниқ суғурта шартлари, диссертант фикрича, мулкий суғурта шартлари бериладиган тақдирдагина амалга оширилган, деб эътироф этилади. Диссертация ишида суғурта фаолиятига АКТни қўллаш нуқтаи-назаридан бу шартлар ахборотларни базавий манбаси сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг объективлиги асосида ахборотлаштириш мақсадлари аниқланиши зарур. Шунинг билан бирга, бу шартлар суғурта шартномаларини тузиш ва амалга оширишда самарадорликни таъминлаш мақсадида фаоллаштирилиши лозим.

Демак, суғурта фаолиятини ахборотлаштириш мақсадларини аниқлашда суғурта субъектларининг иқтисодий манфаатларини уйғунлаштириш учун ахборот тақчиллиги масаласини аниқлашда тизимли ёндашиш зарур, ва шунингдек, суғурта шартларини мажмуавий тарзда таҳлил қилиш талаб этилади.

Бундай таҳлилни амалга ошириш учун диссертант барча суғурта шартларини ахборот оқимлари ўзаро ҳамкорлиги кўринишида ифода қилган ва ўз навбатида, суғурта фаолиятига таъсирини ҳисобга олган ҳолда, бу қуйи шартларни учта ахборот фондларига гуруҳлаштиришни таклиф этган. Мос ҳолда, қуйи шартлар асосида суғуртани ахборотлаштириш фондининг функционал таркиби таклиф этилган (1– расм).

Бу функционал таркиб «Kapital Sug'urta» ОАЖ амалиётида қўлланилаётган йигирма икки банддан ташкил топган «қоидалар» ва вужудга келишида суғурта ҳодисаси деб аниқлаб берилаётган ўн битта шартдан иборат «Жисмоний ва юридик шахслар мулкларини зарар кўришдан суғурталаш шарт (қоида)лари»га асосланган. Бу шартлар суғурта фаолиятини ифодаловчи барча мумкин бўлган асосий унсурларнинг ўзаро ахборот боғлиқлигига кўра таркиблаштирилган. Шу билан бирга, бу функционал таркиб суғурта бизнесининг натижавий кўрсаткичларига шу боғлиқликнинг таъсирини аниқлаш нуқтаи-назаридан тизимли ёндашув асосида ишлаб чиқилган.

Демак, бир томондан ахборот манбалари сифатида кўриб чиқилган шартларнинг барча бандлари ва уларнинг ўзаро самарали ҳамкорлиги суғурта қоидаларининг ҳаққонийлиги ва асосланганлигини таъминлаш маъносида суғурта фаолиятини ахборотлаштириш мақсади ҳисобланади. Шу




Манба: муаллиф тадқиқотлари натижасида ишлаб чиқилган.

**1– расм. Суғуртани ахборотлаштириш фондининг функционал таркиби**

маънода, суғурта рискларини бошқариш ахборот-коммуникация технологиялари мазкур мақсадга эришиш воситалари сифатида намоён бўлади. Бошқа томондан, бу – технологиялар «Суғурта операциялари ахборот фонди», «Суғурта ҳодисаларини асослаш ахборот фонди» ва «Суғурталашни ҳуқуқий таъминлаш ахборот фонди»ни фаоллаштириш механизмлари сифатида қаралади.

Шу нуқтаи-назардан, яъни, ахборот таъминотини мумкин қадар оптимал ташкил этиш учун, диссертация ишида мавжуд рискларни суғурталаш қоидалари (шартлари)ни шартли равишда, қандай йўналишларда мавжуд бўлиши эхтимолидан келиб чиқиб таҳлил қилиб

чиқилган. Бунинг учун, суғурта фаолиятини бутун бир тизим деб қараб, унга таъсир этувчи омилларни ифодаловчи ахборотларни гуруҳлаштириш зарур. Бундай гуруҳлаштириш қуйидаги йўналишдаги ахборотлар бўлиши мумкинлигидан келиб чиқиб амалга оширилган ва улар – ташкилий, технологик, иқтисодий, институционал, ижтимоий йўналишлардаги ахборотларни ифода қилади. Бундай гуруҳлаштиришдан кўзланган мақсад эса, айнан шу гуруҳлардаги ахборотлар суғурта фаолиятига турли даражада таъсир этишини инобатга олиб, тегишли гуруҳлардаги ахборотларни фаоллаштириш (янгилаш, янги рискларни тавсифлаш ва шу каби) ёрдамида суғурта фаолиятини оптимал кечишини таъминлашдир (2– расм).




Манба: муаллиф тадқиқотлари натижасида ишлаб чиқилган.

**2– расм. Суғурталаш қоидалари (шартлари)ни фаоллаштиришнинг функционал чизмаси**

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур механизмларнинг тизимли таркиблаштириш ички мантиғи суғурта бизнесининг бозор табиатидан, унга

мос кўрсаткичлар тузилиши ҳамда суғурта фаолияти динамикасининг ташкил этувчиларидан иборат бўлади. Бошқача қилиб айтганда, ахборот фондларини фаоллаштириш механизмлари суғурта хизматлари бозорининг фаолият юритиши бўйича қисқа ва стратегик нуқтаи-назардан қарор қабул қилиш жараёнида энг юқори самарага эришишга йўналтирилган мулкни суғурталаш қуйи шартлари ўзаро ҳамкорлиги тизимнинг ахборот моделини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Бизнинг фикримизча, бундай мақсадга ахборот фондларини фаоллаштириш натижасини баҳолаш сифатида қабул қилинишининг имкони бўлган суғурта фаолияти самарадорлигини бошқариш ахборот тизими фаолияти доирасида эришилади. Шунингдек, мазкур механизмларнинг амалга оширилиши – АКТ восита ва усулларидан фойдаланиш асосида суғурта рискларини бошқариш самарадорлигига йўналтирилган, суғурта хизматлари бозорининг янги талаблари ва суғурталашнинг қуйи шартларига асосланган оралиқ мақсадларни ташкил этади. Диссертант томонидан суғурта шартларини ахборотлаштиришнинг функционал чизмасида келтирилган ахборот фондларини фаоллаштириш механизмларининг ишлаш тамойиллари (2- расм) қуйидагилар билан изоҳланган.

Яъни, суғурта амалиётида қўлланиб келинаётган рискларни суғурталаш қоидалари (шартлари)га рискнинг у ёки бу кўринишини тасвирловчи маълумотлар (ахборотлар) мажмуи сифатида қараш мумкин. Рискни бу тарзда ахборотли тавсифлаш, яъни, маълум бир чегараланган миқдордаги маълумотлар (ахборотлар) ёрдамида тавсифлаш, ҳар қандай рискнинг ички моҳиятини, иқтисодий конъюнктурасини тўлиқ тизим асосида очиб беришга қодир эмас. Бу фақат рискнинг ўзига тегишли бўлган масала ҳисобланади.

Иккинчи масала, уни суғурталаш, яъни, бу ерда суғурта қилдирувчи иқтисодий муносабатга кирішиш масаласида бу каби ахборотлар асосий муносабат предмети, яъни, айнан мана шу ахборотларга таянган ҳолда тузилиши мумкин бўлган шартномаларнинг ахборот таъминоти (рискларни тўлиқ ифодаловчи, ва шу ўринда суғуртачи ҳамда суғурталанувчи иқтисодий манфаатлари) ҳар доим ҳам етарли даражада бўлмайди. Бунга ахборотнинг иқтисодий ресурс сифатида қараш нуқтаи-назаридан аксиома, деб қараш лозим. Яъни, нафақат риск табиати ва уни суғурталаш муносабатларини, балки, бутун бир иқтисодий тизимда ҳам ахборот таъминотини оптимал даражада бўлади, деб қараш ўринли эмас.

Демак, суғурта шартномасини тавсифловчи ҳар қандай ахборотлар юқоридаги гуруҳларга тегишли бўлади. Аслида, суғурта амалиётида бундай гуруҳлаштириш мавжуд эмас. Ундан кўзланган мақсад эса, айнан шу гуруҳлардаги ахборотлар суғурта фаолиятига турли даражада таъсир этишини инобатга олиб, тегишли гуруҳлардаги ахборотларни фаоллаштириш (янгилаш, янги рискларни тавсифлаш ва шу каби) ёрдамида суғурта фаолиятининг ахборот тизимини шакллантиришдан иборат.

Бундай ахборот тизимининг фаолияти диссертант томонидан таклиф этилган ахборот модели асосида ифодаланади. Кейинги ўринларда ахборот

дейилганда кўриб чиқилган учта ахборот фондлари доирасида мавжуд ва мантиқий-миқдорий мазмунга эга бўлган «кўрсаткичлар» мажмуаси тушунилади.

Ушбу ахборот моделини ёритиб бериш учун қуйидаги белгилашлар киритилган:

– мавжуд суғурта шартлари ишлатилишига $i$- механизмнинг ($M_i$) таъсир даражаси йиғиндиси бирдан ошмаслиги керак, яъни:

$$\sum_{i=1}^{5} M_i \le 1, \qquad 0 \le M_i \le 1, \tag{1}$$

бу ерда: $i$=1- ташкилий механизм; $i$=2- технологик механизм; $i$=3- иқтисодий механизм; $i$=4- институционал механизм; $i$=5- ижтимоий механизм.

– суғурта шартлари янги тизими ишлатилишига ўзгартирилган $i$-механизмнинг ($MR_i$) таъсир даражаси йиғиндиси бирга тенг ёки ундан кичик бўлиши мумкин:

$$\sum_{i=1}^{5} MR_i \le 1, \qquad 0 \le MR_i \le 1. \tag{2}$$

– суғурта операциялари ахборот фондининг $k$- унсури ахборотлари ($SO_k$) нисбий улуши 0 ва 1 оралиғида бўлади:

$$\sum_{k=1}^{5} SO_k \le 1, \qquad 0 \le SO_k \le 1, \tag{3}$$

бу ерда: $k$ – суғурта операциялари ахборот фондининг тегишли унсурлари.

– суғурта ҳодисаларини асослаш ахборот фондининг $j$- унсури ахборотлари ($HA_j$) нисбий улуши бирдан ошмаслиги керак:

$$\sum_{j=1}^{11} HA_j \le 1, \qquad 0 \le HA_j \le 1, \tag{4}$$

бу ерда: $j$- суғурта ҳодисаларини асослаш ахборот фондининг тегишли унсурлари (суғурта ҳодисалари).

– суғурталашни ҳуқуқий таъминлаш ахборот фондининг $l$- унсури ахборотлари ($HT_l$) нисбий улушининг қиймати бирга тенг ёки ундан кичик бўлиши мумкин:

$$\sum_{l=1}^{5} HT_l \le 1, \qquad 0 \le HT_l \le 1, \tag{5}$$

бу ерда: $l$- суғурталашни ҳуқуқий таъминлаш ахборот фондининг тегишли унсурлари.

Суғурта механизмни янгилаш коэффициенти ($K_i$) қуйидаги нисбатлар орқали ҳисобланади:

$$K_i = \frac{SO_i}{M_i} + \frac{HA_i}{M_i} + \frac{HT_i}{M_i} = \frac{SO_i + HA_i + HT_i}{M_i} \text{ ёки } K_i = \frac{MR_i}{M_i}. \quad (6)$$

Ушбу нисбатларда ахборотни фаоллаштириш масаласи қуйидаги функцияни аниқлашга олиб келинган:

$$\sum_{i=1}^{5} M_i K_i - \sum_{i=1}^{5} M_i \Rightarrow \max. \quad (7)$$

Бу функциянинг моҳияти шундаки, янгиланган механизм билан мавжуд механизм орасидаги фарқ (миқдорий фарқ) энг катта қийматга интилиши керак. Ўз навбатида бундан қандай ахборотларни ва қайси механизмни алоҳида ривожлантириш (ахборотларни ишлаб чиқиш) зарурлиги келиб чиқади.

Тадқиқот давомида кўрсатиб ўтилган жиҳатларни мажмуавий таҳлил қилиш натижасида муаллиф томонидан суғурта фаолиятига АКТ қўллаш, ривожлантириш ва истиқболли йўналишларини белгилаб беришга қаратилган суғурта компаниясини бошқаришнинг ахборот-функционал ва мосланувчан тизими услубиёти ишлаб чиқилган (3– расм).

Бунда мазкур тизимнинг ишлаши асосий иккита ғояга асосланади:

1) суғурта фаолиятини самарали бошқаришда ахборот-функционал ёндашувнинг рўёбга чиқарилиши;

2) суғурта фаолиятини самарали бошқаришни таъминловчи, шу билан бирга, турли иқтисодий мазмундаги умумий бозор рисклари ва конъюнктураларини ҳисобга олувчи мослашувчанлик (адаптация) тамойилининг рўёбга чиқарилиши. Ушбу ғоялар амалий жиҳатлари ёритилиши билан диссертант томонидан таклиф этилаётган тизимнинг умумий ишлаш жараёни кўрсатиб ўтилган.

Суғурта компанияси фаолиятини бошқариш учун ахборот-функционал ёндашувнинг моҳияти шундан иборатки, суғурта бизнеси бўйича қарорлар қабул қилиш ахборот-таҳлилий тузилмаси ягона, суғурта фаолияти самарали стратегияси ахборот сиғимига боғлиқ ҳолда ишлайди. Шу билан бирга, бу тузилма суғурта компанияси фаолиятини бошқаришнинг ахборот-функционал ва мосланувчан тизими суғурта фаолияти самарадорлигини ошириш АКТ унсурини тегишли маълумотлар билан таъминлайди. Ана шу маълумотларнинг тегишлилик тамойили «ахборот-функционал» ёндашувнинг асоси ҳисобланади.

Мослашувчанлик тамойили ахборот-функционал ёндашувга асосланади. Бу тамойил рўёбга чиқишида энг асосий жиҳат, самарали суғурта стратегиясини белгилаш суғурта рискларини баҳолаш усуллари ва суғурта бизнесини автоматлаштириш бўйича амалий-дастурий маҳсулотлар қай

даражада ўзгара олиши имконига боғлиқ. Бу ўзгариш албатта, суғурта фаолияти самарадорлигини ошириш АКТнинг фаоллашиши учун хизмат қилишга қаратилганлиги билан изоҳланади.




Манба: муаллиф тадқиқотлари натижасида ишлаб чиқилган.

**3– расм. Суғурта компаниясини бошқаришнинг ахборот-функционал ва мосланувчан тизими (АФМТ)**

Ўзбекистон суғурта компанияларининг интернет-суғурта хизматини йўлга қўйиш ишлари дастлабки босқичда бўлиб, суғурта-платформасидан фақат ахборот-реклама сифатида фойдаланилмоқда.

Суғурта бизнеси ташкилий масалаларининг бир қисмини интернетга ўтказиш натижасида суғурта компанияси мижозларига суғурта бозори ва суғурталовчи, унинг хизматлари тўғрисида умумий маълумотлар, суғурта таннархлари билан тарифларни мустақил ҳисоблаш ишларини олиб бориш, суғуртага оид турли хил саволларга онлайн маслаҳатларини олиш имкониятлари тақдим этилади. Шунингдек, суғурта шартномаларини тузиш учун электрон шаклда ариза бериш, суғурта шартномасини тузиш ва суғурта мукофотларини интернет орқали ўтказиш, суғурта ҳолати содир бўлганлиги тўғрисида хабар бериш имкониятларига ҳам эга бўладилар. Шу имкониятларни инобатга олиб, диссертацияда суғурта ҳолати содир бўлганда тизим ёрдамида назорат қилиш тартиби таклиф қилинган.

Суғурта фаолиятида АКТдан самарали фойдаланишда бу фаолиятдаги «ахборот тақчиллиги»ни аниқлаш учун таклиф этилган ахборот ҳажми ва

сифатини баҳолашга қаратилган ахборот моделида ҳар бир ахборот фондлари ва таъсир қилиш механизмларининг унсурларига мос ахборотлар нисбий улушларининг умумий йиғиндиси бир бутунликни, яъни, бир сонини ташкил қилади. Таҳлил қилиш жараёнларида ахборот фондларининг мос йигирма беш вариантидаги ва фаоллаштириш механизмларининг беш вариантидаги маълумотлар базасининг нисбий улушлари қийматларидан фойдаланилган. Ахборот моделининг алгоритми диссертацияда келтирилган ечимларга асосланиб, уларни таҳлил қилиш бўйича қуйидаги хулосаларга келинган:

1. Ҳар бир алоҳида олинган ахборот фондларининг (суғурта операциялари, суғурта ҳодисаларини асослаш ҳамда суғурталашни ҳуқуқий таъминлаш) мос равишда энг катта, энг кичик ва ўртача таъсир этувчи унсурлари асосида фаоллаштириш механизмлари суғурта шартлари янги тизими ишлаш тамойили аниқланишига ёрдам беради. Унга кўра, суғурта шартлари янги тизими ($SO_k$, $HA_j$ ва $HT_i$) унсурларининг шартли энг катта, энг кичик қийматлари ($SO^*_k$, $HA^*_j$ ва $HT^*_i$) ва улар ўртасидаги фарқ мос равишда (1,13÷1,68÷1,21), (0,92÷0,75÷0,82) ва (0,21÷0,93÷0,39) нисбатларда аниқланади. Бу нисбатлар маъноси шундан иборатки, суғурта ҳодисаларини асослаш ахборот фонди янгиланиши мумкин бўлган маълумот (шартларни ифодаловчи) ($SO^*_k$ ва $HT^*_i$)лар бўйича 1,13 дан 1,21 гача бирликда таъсир этиши натижасида ($HA^*_j$) 1,68 бирликка янгиланади. Худди шунингдек, бу янгиланиш чегараси ($HA^*_j$)нинг энг кичик қиймати 0,75дан кам бўлмаслиги керак ҳамда бу чегарани ифодаловчи ($SO^*_k$)нинг энг кичик ва ($HT^*_i$)нинг энг кичик қийматлари мос равишда 0,92 ва 0,82 бирликлар билан ифодаланади. Суғурта шартларининг мутлақ даражадаги янгиланиши 0,93 бўлгани ҳолда унинг қийматлари 0,21 ва 0,39 бирликни ташкил этади.

2. Суғурта ахборот фондларини фаоллаштириш механизмларининг ($SO^*_k$, $HA^*_j$ ва $HT^*_i$) ахборот фондлари унсурларига мос ҳолда таҳлил этиш ва бу механизмларни алоҳида таъсир даражасини баҳолаш мақсадида, уларнинг энг катта, энг кичик, ўртача, умумий ўртача ҳамда таъсир имконияти (*max* ва *min* фарқи) қийматлари солиштирилиб, янгилаш коэффициенти ($K_н$)нинг 1,17 дан 1,76 гача оралиқдаги қийматларда эканлиги аниқланди. Бу ҳолат ($M^*_i$) механизмларнинг 0,16 дан 0,30 гача оралиқдаги қийматларда ҳамда уларнинг энг катта ва энг кичик қийматлари орасидаги фарқ 0,05 дан 0,14 гача эканлигини кўрсатди.

Шундан келиб чиқиб, аниқланиш соҳасининг ўзгариши, яъни, бу ҳолатни ифодаловчи ($K_н$) қийматларнинг 0,47 дан 0,73 гача бўлиши, унинг айнан шу қийматларга мос келувчи барча ахборот фондлари унсурларини шундай ўзгартирилишини талаб қиладики, унга кўра улар ўртасидаги фарқ (0,73-0,47=0,26) 0,26 умумий вариантлар сонининг ортиши билан ўзгармас тарзда энг катта қийматга эга бўлиш тенденциясида қолиши керак бўлади. Бу, ўз навбатида, тегишли механизмнинг таъсир даражасини баҳолашга

ҳамда унинг ($SO_k$ $HA_j$; $HT_i$) ахборот фондлари унсурларига боғлиқлик даражасини аниқлашга имкон беради ва тегишли ахборот фондларини фаоллаштиришнинг кенг кўламда олиб борилиши учун мос ҳолда механизмни ифодаловчи ахборотларни янгилаш (фаоллаштириш) зарур.

3. Суғурта фаолияти ахборот фондларини фаоллаштириш механизмлари ва ахборот фондлари энг катта, энг кичик ва ўртача таъсир этувчи унсурлар асосида аниқланган янгиланиш ($K^*_n$) коэффициентларининг ўзгариш соҳаси 1,07 (энг кичик) дан 1,75 (энг катта)гача бўлган қийматлардаги ўртача таъсир оралиғи 1,32 дан 1,42 гача бўлган. Янгиланиш коэффициентининг ўзгариши тегишли энг катта ва энг кичик таъсирлар асосида ўртача $K^*_n$, 0,43 дан 0,66 гача оралиқда ифодаланади. Умумий ҳолда хулоса қилганда, 0,47÷0,43 ($K_n \div K^*_n$) ҳамда 0,73÷0,66 ($K_n \div K^*_n$) нисбатлардаги янгиланиш коэффициентларини ифодаловчи ахборот фондлари унсурлари шундай янгиланиши (фаоллаштирилиши) керакки, бу нисбатларни барқарор ўзгармас қийматларини ифода этиши зарур. Ана шу барқарорликни таъминлашга таъсир этиш даражаси юқори бўлган фаоллаштириш механизми ($M_t$) мос ҳолда янгиланган ($MR_t$) механизмни ифодалайди ва бу ($M_t$)лар ҳар бир давр (яъни, суғурта фаолиятидаги маълум муддат) оралиғидаги кўрсаткичлар асосида янгиланиш заруриятига мойил бўлиб боради.

Юқоридаги ёндашувлардан келиб чиқиб, суғурта фаолиятида АКТ самарадорлиги икки қисмдан иборат бўлган самарадорликлар йиғиндиси сифатида аниқланган. Биринчи қисм – функционал қисм ($Э_1$). Иккинчи қисм – ташкилий-техник ва коммуникацион-дастурий қисм ($Э_2$). Бу қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$Э = Э_1 + Э_2. \quad (8)$$

Суғурта компанияси фаолиятига ахборот-функционал ва мосланувчан тизимини жорий этишдан кутилаётган даромадлар ва харажатларни мос равишда максималлаштириш ҳамда минималлаштириш масалаларини ечиш орқали $Э_1$ топилган. Бу ерда минимум ва максимум масаласи суғурта фаолиятини самарали бошқариш стратегияси ахборот сиғими ҳамда оптимал ахборот сиғими коэффициентлари учун оптимал тақсимланиш тамойилини амалга ошириш билан ечилади.

Суғурта фаолиятида АКТ самарадорлигининг ташкилий-техник ва коммуникацион-дастурий қисми ($Э_2$) иккита самарадорлик унсуридан иборат бўлиб, улар WEB-серверларга асосланган АКТ самарадорлиги ва композит мезонларга асосланган самарадорликларни аниқлаш усулларидаги F1, F2, F3, F4 мақсад функцияларининг интеграллашган фаолиятидан келиб чиққан самарадорликлардан иборат бўлади.

Шундай қилиб, муаллиф томонидан суғурта фаолиятида АКТнинг самарадорлиги $Э_1$ ва $Э_2$ ларнинг йиғиндиси сифатида аниқланиши мақсадга мувофиқлиги таъкидланган.

Юқоридаги (8) ифодадан келиб чиққан ҳолда умумий самарадорлик $Э_{АКТ}=Э_{ф}+Э_{ттко}$ кўринишида ифодаланган. Бу ерда: $Э_{АКТ}$ – суғурта компанияси фаолиятига ахборот-коммуникация технологиялари жорий қилинишидан кутилаётган умумий самарадорлик; $Э_{ф}$ – жорий қилинган ахборот-коммуникация технологияларининг функционал самарадорлиги; $Э_{ттко}$ – жорий қилинган ахборот-коммуникация технологияларининг ташкилий-техник, коммуникацион-дастурий қисми самарадорлиги.

Диссертантнинг «Kapital Sug'urta» ОАЖ мисолидаги ҳисоб-китобларга кўра ахборот-коммуникация технологияларининг умумий самарадорлик кўрсаткичи ($Э_{АКТ}$) шу компания ялпи даромадининг 10 фоизини ташкил қилиб, $Э_{ф}$ ва $Э_{ттко}$лар ўз навбатида олти ҳамда тўрт фоиздан иборат бўлган. Бунда $Э_{ф}$ ва $Э_{ттко}$ларнинг шу нисбатини, яъни, 6/4 нисбатини умумий самарадорликка мувофиқ даражадаги таъсир доирасини оширишга қаратилганлиги инобатга олинади. $Э_{ф}$ ва $Э_{ттко}$ларнинг умумий самарадорликка оптимал даражадаги таъсир доираси уларнинг шундай ўзгаришини кўзда тутиши керакки, бунда ташкилий-техник, коммуникацион-дастурий воситаларга сарфланадиган харажатлар энг кам бўлган ҳолатда функционал даражадаги масалаларни бажаришга мослашиш хусусиятига эга бўлиши керак. Ўз навбатида, $Э_{ф}$нинг умумий самарадорликдаги улушининг ортиб бориши назарда тутилади.

## ХУЛОСА

1. Суғурта компаниялари функционал масалаларини ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида самарали ечишни, ушбу фаолиятнинг ахборот тизимларини қуриш, маълумотлар банки ва базаларини такомиллаштириш ҳамда улар самарадорлигини аниқлаш усулларини ишлаб чиққан ҳолда амалга ошириш мумкин. Суғурта рискларини бошқаришда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни такомиллаштириш – бу, суғурта компанияси фаолиятини бошқариш самарадорлигини оширишга қаратилган усул ва воситаларни, рисклар моҳиятига ахборотли ёндашувни ахборот тизимлари ва технологиялари, коммуникация воситалари асосида амалга ошириш бўйича назарий ва амалий ишланмалар ёрдамида чора-тадбирларни аниқлашдир. Рискларни бошқаришда суғурта фаолиятига яхлит тизим сифатида қараш, бу фаолиятни ахборотлаштиришда ахборот тизимлари ва технологиялари тамойилларини амалга ошириш, яъни, ахборот ресурслари самарадорлигини ошириш нуқтаи-назаридан ёндашиш мақсадга мувофиқдир.

2. Ахборотлашган суғурта-мижоз тизимини ишлаб чиқиш бу тизим ёрдамида статистик танлов ва ҳисоботларни тайёрлаш, шартномаларни рўйхатга олиш учун зарур бўлган ахборот тизими модулини яратиш ва

унинг таркибий қисмларини такомиллаштириш суғурта компаниялари фаолиятининг таҳлилий жараёнларини кучайтиришга ёрдам беради.

3. Суғурта рискларини юзага келиши, уларни баҳолаш ва бошқариш бўйича ахборот таъминотини самарали ташкил этишда АКТнинг ривожланганлик даражаси суғурта фаолиятини бошқарув стратегияси билан мос келишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бу ерда риск хусусиятларини, суғурта бозори конъюнктурасини ва ривожланиш тенденцияларини ифода этувчи суғурта ахборотлари тизимини ишлаб чиқиш зарур ва унга АКТга кўмаклашувчи тизим сифатида қараш лозим. Суғурта фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш учун компаниянинг ахборот моделини тузиш мақсадга мувофиқ ва ўз навбатида бу модель компанияларнинг умумий ахборот маконидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради.

4. Суғурта компанияларининг фаолияти самарали стратегиясини аниқлаш учун унинг «ахборот сиғими» категорияси киритилди. Бу эса, ахборот-коммуникация технологияларини алоҳида олинган соҳаларга қўллаш усулларини такомиллаштиришга ёрдам беради. Иқтисодий-молиявий жараёнларни ахборотлаштириш назарияси ва амалиётига илк марта, суғурта фаолияти самарали стратегияси ахборот сиғими категориясининг киритилиши АКТни алоҳида олинган суғурта компанияларида қўллаш услубиётини такомиллаштиришга имкон беради. Суғурта фаолиятида бу жиҳат шуни ифода қиладики, АКТни қўллаш – бошқарув жараёнларида рискларни суғурталаш моҳиятини тўлиқ очиб беришга ва уларни камайтиришга имкон берувчи ахборот таъминотини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

5. Диссертацияда таклиф қилинган суғурта компанияси фаолиятини бошқаришни ахборот-функционал ва мосланувчан тизими компаниялар бошқарувини такомиллаштирибгина қолмасдан, балки, молиявий йўқотишлар эҳтимоллиги ортиб бориши шароитида ҳам рақобатбардошлик иммунитетини кучайтиради. Бу тизимни амалий жиҳатдан рўёбга чиқариш асосида суғурта тизимини комплекс таҳлил этиш ва уни иқтисодиётнинг бошқа секторлари билан уйғунликда ривожланиш йўналишлари ҳамда истиқболларини белгилаш мумкин. Асосий эътибор бу ерда шунга қаратилган бўлиши керакки, мазкур тизим янги ишлаб чиқилганлиги боис, унинг миқдорий ва сифат кўрсаткичларига қўйиладиган талабларни қондиришга қаратилган тадбирлар кўлами алоҳида изланишлар олиб боришни, суғурта фаолиятини бир бутун иқтисодий-молиявий тизим муносабатлари даражасида тадқиқ этишни тақозо этади.

6. Суғурта компанияси фаолиятига интернет-технологиялари жорий қилиниши суғурта фаолиятини самарали ривожлантиришнинг энг муҳим шарти ва шу билан бирга, бу суғурта бизнесини юритишнинг инновацион усуллари учун асос ҳисобланади. Суғурта компанияларининг мавжуд веб-саҳифаларида тегишли компания фаолиятига оид ахборотлар тўла ёритилмаганлиги, компания веб-сайтини бошқа компания веб-саҳифалари

билан интеграллашмаганлиги, веб-саҳифа самарасини аниқлаб берувчи омил ҳисобланадиган веб-саҳифага ташриф буюрувчиларни автоматлаштирилган ҳолда рўйхатга олиш воситалари тўла ва самарали фаолият кўрсатмаётганлиги республикамизда интернет-суғурта фаолияти камчиликларидан ҳисобланади.

7. Суғурта фаолиятини ахборотлаштириш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ахборот фондлари ва фаоллаштириш механизмлари унсурларини миқдорий таснифлаш ва таъсир этиш даражасини баҳолаш ахборот фондлари унсурларига тегишли механизмнинг таъсир даражасини баҳолашга ва ўзаро боғлиқлик даражасини аниқлашга имкон беради. Бу ўз навбатда суғурта шартлари янги тизими ишлаш тамойилини аниқлашга ёрдам беради. Ахборот фондларини фаоллаштиришнинг кенг кўламда олиб борилиши учун мос ҳолда механизмларни ифодаловчи ахборотларни суғурта бозори талаблари асосида янгилаш (фаоллаштириш) зарур. Янгиланиш коэффициентларини ифодаловчи ахборот фондлари унсурлари шундай янгиланиши (фаоллаштирилиши) керакки, уларнинг таъсир даражаси нисбатлари барқарор ўзгармас қийматларни ифода этиши зарур. Ана шу барқарорликни таъминлашга таъсир этиш даражаси энг юқори бўлган фаоллаштириш механизми айнан янгиланган механизмни ифодалайди ва улар суғурта фаолиятининг ҳар бир давр оралигидаги кўрсаткичлари асосида янгиланиш заруриятига мойил бўлиб боради. Бу зарурият суғурта бозорида сифатли хизмат кўрсатиш ва рақобатдошлик даражасини ошириш билан бирга янги хизмат турларини шакллантиришга олиб келади.

8. Суғурта фаолиятида ахборот-коммуникация технологиялари самарадорлиги унинг ташкилий-техник, коммуникацион-дастурий ва функционал самарадорликларидан иборат бўлишлиги ахборотлаштириш мезонлари долзарблигини кўрсатади.

9. Суғурта компанияларида АКТни жорий этишдаги иқтисодий самарадорлиги функционал ҳамда ташкилий-техник, коммуникацион-дастурий самарадорликларнинг мутаносиб равишда таъсир доираси кенгайтирилиши натижасида оширилиши мумкин. Бу эса, суғурта компаниялари фаолиятини рақобат муҳитида модернизациялаш истиқболларини белгилаб беришга хизмат қилади.

10. Ҳозирги кунда жамият ҳаётининг деярли барча соҳаларини ахборотлаштириш имкониятлари доирасида суғурта фаолиятига АКТни жорий этиш самарадорлиги тушунчаси суғурта фаолияти самарадорлигини ошириш АКТ тушунчаси билан алмаштирилиши мақсадга мувофиқдир. Бу АКТни рискларни суғурталаш ва уларни асослаш жараёнларига татбиқ этиш имкониятларини кенгайтиришга замин яратади. Энг муҳими, рискларни бошқариш усулининг асосий иқтисодий моҳиятини очиб берувчи суғурталаш жараёнида манфаатдор томонларнинг ўз хоҳишлари ва имкониятларини тегишли ахборотлар тизими ёрдамида ифода этишларига ва уларни рўёбга чиқаришларига имконият яратилади.

## ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ


1. Рўзиев А., Кенжабоев О. Халқаро ахборот технологиялари // Oʻzbekiston qishloq xoʻjaligi. – Тошкент, 2002. – № 4. – Б. 29-31.
2. Рўзиев А.О. Суғурта фирмаларида корпоратив ахборот тизимларини яратиш муаммолари // Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқ тизими ва суғурта фаолиятини такомиллаштириш йўллари: халқаро илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент, 2004. –Б.316-318.
3. Рузиев А.А. Оценка эффективности информационно-коммуникационных технологий в управлении // Социально-экономические проблемы переходной экономики: международная научно-практическая конференция. – Санкт-Петербург: Санкт-Петербургский государственный университет экономики и финансов. 3-4 июня 2005 года. – С. 293-294.
4. Рузиев А.А. Проблемы внедрения информационно-коммуникационных технологий в деятельности страховых компании // Роль и значение телекоммуникаций и информационных технологий в современном обществе: труды международной научной конференции. III том. – Ташкент, 2005. – С. 187-188.
5. Рузиев А.А., Кенжабаев А.Т. Вопросы создания информационного пространства в страховой деятельности // Социально-экономические закономерности развития мирохозяйственных связей в условиях усиления интеграционных процессов: труды международной научно-практической конференции. – Москва, Московский гуманитарно-экономический институт, 2006. – С. 392-394.
6. Рузиев А.А., Баймуратов Т.М. Основные направления и тенденции развития информационно-коммуникационных технологий в страховых компаниях // Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш йўллари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2006. – Б. 259-260.
7. Рўзиев А.О. Суғурта бизнесида ахборт-коммуникация технологияларини жорий қилиш масалалари // Инвестицион ва инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш, самарадорлигини баҳолаш ва уларни амалга ошириш: халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 2006 йил 14-16 ноябрь. – Тошкент, 2006. – Б. 313-315
8. Рузиев А.А. Вопросы компьютерной технологии в страховой деятельности // Социально-экономические закономерности развития мирохозяйственных связей в условиях усиления интеграционных процессов: труды международной научно-практической конференции. – Москва, Московский гуманитарно-экономический институт, 2006. – С. 395-396.
9. Рўзиев А.О. Суғуртанинг функционал масалаларини ахборот-коммуникация технологиялари шароитида шакллантириш // Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишида молиянинг роли: республика

ўқув юртлариаро ўтказилган конференция иштирокчилари илмий мақолалари тўплами. 2009 йил 18 март. – Тошкент, 2009. – Б. 216-219.

10. Рўзиев А.О., Турдубеков У.Б. Суғурта фаолиятини самарали бошқаришда ахборот-коммуникация технологиялари концепцияси. Экономиканы рауажландырыуда дунья жузлик инновацияларды пайдаланыу машқалалары. Мақалалар топламы. Бердақ атындағы Қарақалпақ мөмлекетлик университети. Экономика факультети. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2009. – Б. 53-57.
11. Рўзиев А.О. Суғурта фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш йўналишлари // Ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожланишида молиянинг роли. Республика ўқув юртлариаро ўтказилган конференция иштирокчилари илмий мақолалари тўплами. 2009 йил 18 март. – Тошкент, 2009. – Б. 219-222.
12. Рўзиев А.О. Суғурта фаолиятини бошқаришнинг ахборот-коммуникация технологияларини такомиллаштириш услублари // Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2009. – № 2. – Б. 76-81.
13. Рўзиев А.О. Суғурта фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш муаммолари // Молия. – Тошкент, 2009. – № 1. – Б. 76-81.
14. Рузиев А. Функции страхования (и их формирование при помощи ИКТ). Журнал налогоплательщика. – Ташкент, 2010. – № 2.– С. 49.
15. Рўзиев А.О., Бобоев Ш. Б. Суғурта компанияларида модуллашган ахборот тизимларини қуриш масалалари. // ОТ-Ф7-004 «Молия инжинериясининг назарий-методологик асослари ва қўлланиш йўналишлари». Конференция материаллари. 2010 йил 5 март. – Тошкент, 2010. – Б.198-199.
16. Рузиев А. Задачи информатизации договоров страхования и их эффективного взаимодействия // Реализации антикризисной программы – основа дальнейшего развития национальной экономики и повышения его конкурентоспособности. Сборник научных трудов. – Москва: Московский гуманитарно-экономический институт, 2010. – С. 214.
17. Рузиев А. Суғурта муносабатларида ахборот-коммуникация технологияларини такомиллаштириш масаласи // Бюджет ижросига ғазначилик тизимини жорий этишнинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий конференцияси. 2011 йил 9 апрел. – Тошкент, 2011. – Б. 260-261.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Рўзиев Абдумалик Ортиғалиевичнинг 08.00.14 - «Иқтисодиётда ахборотлар тизими ва технологиялари» ихтисослиги бўйича **«Суғурта фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш жараёнларини такомиллаштириш»** мавзусидаги диссертациясининг

**Р Е З Ю М Е С И**

**Таянч сўзлар:** суғурта мукофоти, суғурта фаолиятини ахборотлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари, суғурта ахборотлари базаси, ахборот сиғими, автоматлаштирилган ахборот тизими, интернет-суғурта, самарали суғурта стратегияси.

**Тадқиқот объекти:** суғурта компанияларининг ахборот-коммуникация технологияларига асосланган фаолияти ва уларни бошқариш тизими.

**Ишнинг мақсади:** суғурта фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш усулларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот усуллари:** тизимли таҳлил, статистик гуруҳлаш, йўналтирилган саралаш, иқтисодий-математик усуллар.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** суғурта компаниялари фаолиятида ахборот тизимлари ва технологияларини қўллашнинг илмий-услубий асослари умумлаштирилган; суғурта компаниялари асосий функционал вазифаларини бажаришда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш йўллари аниқланган; суғурта компаниясининг корпоратив ахборот тизимини ишлаб чиқиш тамойиллари ҳамда суғурта шартларини ахборотлаштириш фондининг функционал таркиби асосланган; суғурта компанияси фаолиятини самарали бошқаришда ахборот-функционал ва мосланувчан тизимини жорий этишнинг шартлари, ташкилий-иқтисодий асослари кўрсатиб берилган; суғурта субъектлари муносабатларида интернет-суғуртанинг хусусиятлари, афзаллиги ва ундан фойдаланиш истиқболлари асосланган; суғурта компанияси фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш усуллари таклиф этилган ва уларни қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Амалий аҳамияти:** диссертация ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялардан суғурта компанияси ахборот тизимини ташкил қилиш, республикада ягона ахборот маконини яратиш ва уни ривожлантириш, самарадорлигини ошириш ҳамда суғурта рискларини бошқариш, суғурта компанияларида автоматлаштирилган ахборот тизимларини истиқболли йўналишларини белгилаш бўйича қарорлар қабул қилишда фойдаланиш мумкин.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар «Kapital Sug'urta» ОАЖ *компанияси томонидан амалиётга жорий қилиш* учун қабул қилинган. Диссертация материалларидан Тошкент молия институти ўқув фаолиятида «Иқтисодиётда ахборот технологиялари», «Информатика ва ахборот технологиялари», «Суғурта иши» ва «Суғурта экспертизаси фаолияти» фанларини ўқитиш жараёнида фойдаланилмоқда.

**Қўлланиш соҳаси:** суғурта компаниялари фаолиятида.

# Р Е З Ю М Е

диссертации Рузиева Абдумалика Артыгалиевича на тему **«Совершенствование процессов использования информационно-коммуникационных технологий в страховой деятельности»** на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.14 - «Информационные системы и технологии в экономике»

**Ключевые слова:** страховая премия, информатизация страховой деятельности, информационно-коммуникационные технологии, база страховой информации, информационная емкость, автоматизированная информационная система, Ьнтернет-страхование, эффективная страховая стратегия.

**Объекты исследования:** деятельность страховых компаний, основанных на информационно-коммуникационных технологии и системе их управления.

**Цель работы:** разработка научно-практических рекомендаций по совершенствованию методов внедрения информационно-коммуникационных технологий в страховой деятельности.

**Методы исследования:** системный подход, статистическая группировка, направленный перебор, экономико-математические методы.

**Полученные результаты и их новизна:** обобщены научно-методические основы применения информационных систем и технологий в деятельности страховых компаний; определены пути внедрения информационно-коммуникационных технологий при выполнении основных функциональных задач в страховой компании; обоснованы принципы разработки корпоративных информационных систем страховой компании и функциональный состав информатизационных фондов страховых условий; показаны условия и организационно-экономические основы внедрения информационно-функциональных и адаптируемых систем в эффективном управлении; обоснованы особенности, преимущества и перспективы использования интернет-страхования в отношениях страховых субъектов; предложены методы оценки эффективности использования информационно-коммуникационных технологий в деятельности страховых компаний и разработаны предложения по их внедрению.

**Практическая значимость:** разработанные научные предложения и практические рекомендации диссертационной работы позволяют организовать информационную систему страховой компании, создать единое информационное пространство в республике и развивать его, повысить эффективность, а также управлять страховыми рисками, принимать решения при определении перспективных направлений автоматизированных информационных систем в страховых компаниях.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** научные положения и практические рекомендации, разработанные в процессе исследования, были приняты страховой компанией ОАО «Kapital Sug'urta» для внедрения на практике. Диссертационные материалы используются в процессе преподавания дисциплин «Информационные технологии в экономике», «Информатика и информационные технологии», «Страховое дело» «Деятельность страховой экспертизы» в Ташкентском финансовом институте.

**Область применения:** в деятельности страховых компаний.

**R E S U M E**

Thesis of Ruziyev Abdumalik Artigaliyevich on the scientific degree competetion of the candidate of sciences in economics, specialty 08.00.14 – «Information systems and technologies in economy», subject: **«Improvement of the processes' usage of information-communication technology in insurance activity»**

**Key words:** insurance prize, informatization of insurance activities, information-communication to technologies and methods of their improvement, information capacity, automated information system, Internet-insurance, effective insurance strategy.

**Subjects of research:** activity of the insurance companies founded on information-communication technologies and methods of their improvement.

**Purpose of work:** the development scientifically-practical recommendation on improvement of the methods of the introduction information-communication technology in insurance activity.

**Methods of research**: the system approach, logical and benchmark analysis, statistical group, directed choice, economic and mathematic methods.

**The results obtained and their novelty:** scientifically-methodical bases of the using the information systems and technology in activity of the insurance companies is generalized; ways of the introduction information-communication technology while carrying out the main functional problems in an insurance company have been defined; principles of the development of the corporative information systems of insurance company and functional structure of informatization funds of the insurance conditions are proved; condition and organizing-economic bases of the implementation of information-functional and adaptive in effective management; peculiarities advantages and perspectives the Internet-insurance in relation to insurance subjects are explained; evaluation methods of the efficiency of the use of information-communication in the insurance companies' activities and their implementation have been offered.

**Practical value:** scientific offers and practical recommendations of the scientific work allow organizing the information systems of an insurance company, creating the united information space with its further development in the republic, improving the efficiency and management of the insurance risks, taking the decisions at determination of the perspective directions of automated information systems in insurance companies.

**Degree of embed and economic effectivity:** the scientific position and practical recommendation designed in process of the study were accepted by insurance companies OJC "Capital insurance» for introducing in practice. The material of the research are used in process of the teaching of discipline "Information technologies in economy», "Informatics and information technologies», "Insurance», "Insurance expert operation activity» in Tashkent Financial Institute.

**Field of application:** in activity of the insurance companies.

Босишга рухсат этилди 30.01.2012. Қоғоз бичими $60x84^{1}/_{16}$
Ҳисоб-нашр табоғи 1,2. Адади 100.
Буюртма рақами № 4

«HUMOYUNBEK-ISTIQLOL MO'JIZASI» босмахонаси
100003. Тошкент. Олмазор, 171-уй.